Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 10 (8250). ● 13 январь, 1984 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

ЮКСАК АКТИВЛИК

Мамлакатда округ сайловолди кенгашлари бошланди

МАРТ 4 ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

Сайлов кампанияси янги муҳим босқичга кирди — 12 январда округ сайловолди кенгашлари бошланди. Жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг намояндалари йиғилишларда СССР Олий Советига кўрсатилган номзодларни атрофлича муҳокама қилмоқдалар, уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарорлар қабул қилмоқдалар.

Амалий руҳда ўтаётган кенгашлар сайловчилар юксак снёсий активлигининг яққол кўриниши бўлиб, мамлакатимиздаги социалистик халқ ҳокимияти ҳақиқийлигининг ифодасидир.

Москва, давлат марказий концерт зали. Уни пойтахтдаги Пролетар сайлов округи жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг вакиллари тўлдиришди.

Сайловолди кенгашининг қатнашчилари Москва меҳнат коллективларининг мамлакат давлат ҳокимияти Олий органи депутатлигига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклифларини қизғин маъқуллардилар.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан И. А. Лихачев номли автомобиль заводи пресслаш корпусининг токари В. И. Кожухин барча кишиларнинг фикр туйғуларини ифодалаб бундай деди:

Партия Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорлари, Юрий Владимирович Андропов нутқида баён этилган қонда ва хулосалар ҳаммамизни ғ.ходий, серунум меҳнатга руҳлантиради, — деди у — Москва ишчилари, барча совет кишилари меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан планда белгиланган топшириқни бир процент ошириб бажариш, маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент камайтириш топшириғини ўзларининг ватанпарварлик бурчи, жонажон иши деб биладилар.

КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси мамлакатни социалистик иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларига муттасил зўр эътибор бериб келаётганликлари, меҳнаткашларнинг қимматли тажрибаси ва фойдали ташаббусини сезгирлик билан пайқаб олаётганликлари, камчиликларни принципиаллик билан очаётганликлари, келажак учун ҳамма кишиларга тушунарли ва дилга яқин бўлган конкрет вазифаларни ўртага қўяётганликлари, деб сўзини давом эттирди нотиқ, бизга илҳом бермоқда.

Бизнинг коллективимиз Юрий Владимирович Андроповни Москва шаҳар Пролетар сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига ўзининг биринчи номзоди қилиб кўрсатганлиги учун ҳам бу топшириқни бажаришимиз айниқса зарур.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, мангу барҳаёт Ленин ишининг содиқ давомчиси Ю. В. Андроповнинг номини совет кишилари мамлакат турмушининг ҳамма соҳаларида рўй бераётган ижобий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ деб билмоқдалар. Партия қабул қилган қарорларнинг амалга оширилиши туфайли қолоқ участкалардаги ишларнинг аҳволини яхшилашга, кадрларнинг ташаббуси ва масъулиятини оширишга, ҳамма бўғинларда интизомни мустаҳкамлашга эришилди. Ўртоқ Ю. В. Андропов Ленин типидаги раҳбарга хос ажойиб фазилатларини намоён этиб, мана шу ўзгаришларга бошчилик қилаётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Халқаро майдонда Ю. В. Андропов партия билан Совет давлатининг халқаро вазиятни соғломлаштиришга, термоядро фалокатининг олдини олишга қаратилган принципиал ва изчил йўлини ўтказмоқда. У ўзининг зўр тажрибаси ва снёсий донолиги, коммунизм идеалларига астойдил хизмат қилиши, тинчлик ишини ҳимоя қилишдаги қаттиқ иродаси туфайли ялпи ҳурмат ва ишончга сазовор бўлди.

Л. Я. Карпов номли физика-химия илмий-тадқиқот институтининг директори, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Я. М. Колотиркин бундай деди:

— Мен меҳнат коллективларининг ўртоқ Ю. В. Андроповни депутатликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорини фан-техника зиёлилари номидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватлайман.

Юрий Владимировичнинг бутун толмас фаолияти социалистик давлатимиз манфаатларига садқидилдан хизмат қилиш, Совет халқининг фаровонлиги ҳақида меҳрибонлик намунасидир. Унинг партияни, совет халқини иқтисодий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга руҳлантирувчи ёрқин ва принципиал нутқларини мамлакатимиз барча меҳнаткашлари чуқур мамнуният туйғуси билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Кенгаш қатнашчилари СССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси **Юрий Владимирович Андропов** номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклифларни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Улар Ю. В. Андроповга мурожаат этиб, Москва шаҳар Пролетар сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини илтимос қилдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин иштирок этди.

Москва шаҳридаги Тушина сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари сайловолди кенгаши бўлди. «Зеленоградстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси 111-қурилиш бошқармасининг монтажчиси В. И. Блажиевский бундай деди:

— Қурилиш бошқармамизнинг коллективи сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов номзодини кўрсатди. Совет кишилари Юрий Владимировичнинг Ленин типидаги атоқли раҳбар эканини, у ўзининг бутун кучи, билими, ташкилотчилик қобилиятини коммунистик қурилиш, тинчлик ишини мустаҳкамлаш хизматига сарфлаётганини яхши биладилар. У Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш соҳасида жуда катта иш қилмоқда.

Бошқармамизнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, деди сўзини давом эттириб нотиқ, «Зеленоградстрой» бирлашмаси 111-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Злобинни ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар.

Кенгаш қатнашчилари **Юрий Владимирович Андропов билан Николай Анатольевич Злобинни** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорларни яқдиллик билан маъқуллаб ҳамда уларга мурожаат қилиб, Тушино сайлов округидан овозга қўйилишига розилик беришларини сўрадилар.

Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводининг, Москвадаги «Иккинчи соат заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Парижская коммуна» пойабзал фабрикасининг коллективлари йиғилишларида СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Москва шаҳар сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

«Серп и Молот» заводининг пўлат қуювчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Коптев бундай деди:

— Мамлакатнинг ҳамма жойида ҳукм сураётган муҳитни ишчанлик кайфияти, деб жуда аниқ таърифланди. КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорлари ҳар бир совет кишиси учун қудратли умид манбаи бўлиб қолганлиги яхши ишчанлик кайфиятининг асосидир.

Юксак онглилик, совет ватанпарварлиги ҳамма ютуқларимизнинг негизидир. СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик кунларида бу ажойиб фазилатлар айниқса яққол намоён бўлмоқда. Меҳнаткашлар кўп миллатли Ватанимизнинг энг муносиб ўғил ва қизларига ишонч билдирмоқдалар.

«3-Гордорстрой» трести 44-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Лазарев минбарга чиқади.

— Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби ўртоқ Н. А. Тихоновнинг депутатликка номзод қилиб кўрсатилишини мени вакил қилиб юборган Москва ишчиларининг қўмондони армия генерали **Юрий Павлович Максимов** «Иккинчи соат заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. И. Першин ўз нутқида Н. А. Тихонов Москва экономикасини ривожлантиришга кўп эътибор бераётганлигини уқтириб ўтди.

Нотиқлар совет кишилари мамлакат, давлат ҳокимиятининг Олий органига бўлажак сайловни умидворлик билан, келажакка комил ишонч билан кутиб олаётганликларини уқтириб ўтдилар. Бу туйғулар давлатимизнинг совет тузумининг чинакам демократизмига, унда совет гражданларининг Конституцияда гарантиялаб берилган ҳаётий муҳим ҳуқуқлари изчиллик билан муттасил амалга оширилаётганлигига асосланади.

Кенгаш қатнашчилари Н. А. Тихоновни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги коллективлар киритган таклифларни бир овоздан маъқулладилар. **Николай Александрович Тихоновдан** Москва шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришини сўрашга қарор қилинди.

«МЭЛЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи пойтахтдаги Куйбишев сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Бу округда Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган.

«Хроматрон» заводи созловчилар бригадири В. С. Сороковой сўзга чиқади.

— Биз Константин Устинович Черненкони ўзининг бутун кучи, билими, катта ташкилотчилик талантини партия сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга, идеология ишини такомиллаштиришга бағишлаётган ленинчи коммунист сифатида яхши биламиз, — деди илғор ишчи.—Унинг бутун ҳаёти — коммунистик идеалларга, Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Константин Устинович партия ишониб юборган барча лавозимларида ўзига топширилган ишга принципиал, ижодий, баланд руҳ билан ёндашиш намунасини кўрсатмоқда.

П. П. Шчербаков номидаги ипак комбинати партия комитетининг секретари Л. М. Кульгина кенгаш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлаб бундай деди:

— Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган энг инсонпарвар демократик принцип мамлакатимизда реалликка айланганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Комбинат партия ташкилоти корхонанинг барча бўлинмаларини янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ аниқ бир маромда ва юқори сифатли ишлашини таъминлашга, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 1984 йилги план топшириқларининг ва аввало маҳсулот етказиб бериш планининг сўзсиз бажарилишига меҳнаткашларни сафарбар этишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади.

Сўзга чиққан кишилар К. У. Черненко ленинча принципларни ҳамда партия ва жамоат ҳаёти нормаларини қарор топтириш ишига катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидладилар. К. У. Черненко номзодини тўла қувватланаётганлигини ўз коллективлари номидан айтдилар.

Кенгаш иштирокчилари **Константин Устинович Черненкони** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қувватладилар. Сайловолди кенгаши К. У. Черненкога мурожаат қилиб, Москва шаҳар Куйбишев сайлов округидан депутатликка овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилди.

Москвадаги «Компрессор» заводининг маданият уйида Перово сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлди. Бу ерда сўзга чиққан Москва-Сортировочная локомотив депосининг машинист инструктори А. А. Лебедев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришинни Перово сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қувватлашни таклиф этди. Нотиқлар Коммунистик партиянинг таниқли арбоби В. В. Гришин Москвани ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлигини, москвликларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга кўп куч сарфлаётганини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганини уқтирдилар.

Кенгаш иштирокчилари **Виктор Васильевич Гришинни** Москва шаҳар Перово сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар ва шу округдан депутатликка овозга қўйилишга розилик беришни ундан илтимос қилдилар.

Москва шаҳар Кунцево сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди. Москвадаги радиотехника заводининг йўнувчи токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Г. Сапоженков корхона коллективининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Москвадаги Кунцево сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини маълум қилди.

Кенгашда **Дмитрий Федорович Устиновни** Кунцево сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди. Кенгаш иштирокчилари Д. Ф. Устиновга мурожаат қилиб, шу сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилдилар.

(Давоми 2-бетда)

ФРАНЦИЯНИНГ «ЮЗЛАР ДАЪВАТИ» ҲАРАКАТИГА

Сизларнинг мактубингиз билан зўр эътибор бериб танишиб чиқдим. Сизлар бу мактубда француз халқи халқаро вазият кескин кучайиб кетганлигидан гоят ташвишланаётганлиги ва у тинчлик иши учун курашишга тобора кўпроқ азму қарор бераётганлиги ҳақида гапирганисизлар.

Совет Иттифоқидагилар ҳаракатингизнинг фаолияти тўғрисида биладилар, бу ҳаракатда Франциядаги турли жамоат доиралари ва сиёсий доираларнинг намояндалари, мамлакатингизнинг таниқли маданият ва фан арбоблари, француз қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг ветеранлари иштирок этмоқдалар.

Американинг янги ракеталари Европада жойлаштирила бошланганлиги натижасида ядро уруши хавфи ҳақиқатан ҳам ортиб бормоқда. Сизлар ҳам Европада ядровий қуролсизланиш проблемаларини ҳал этишга халқит бераётган тўсиқларни музокаралар столи атрофида бартараф этиш тўғрисидаги масалани ҳаққоний равишда ўртага қўймоқдасиз, албатта. Совет Иттифоқи ҳам шундай тўсиқларни бартараф этиш тарафдоридир. АҚШ ва унинг иттифоқчилари ҳарбий устунликка эришишга уринаётганликлари бундай тўсиқларнинг асосийси бўлиб, Женева музокараларининг бутун боришни шунга ишонч ҳосил қилдиради. Айни шу боисдан Қўшма Штатлар Женевадаги музокараларни ўзининг биринчи зарба уришга мўлжалланган янги ядровий қуролини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Ғарбий Европада жойлаштириш режаларини хаспўшлаш учун бир ниқобга айлантириб қўйди. АҚШ ўз ракеталарини амалда жойлаштиришга киришгандан кейин эса шундай шароитда музокаларни давом эттириш Европа ва жаҳон жамоатчилигини алдашда иштирок этиш билан баробар бўлур эди. Холис ниятли ҳар бир киши буни тушунади.

Шундай қилиб, вужудга келган аҳвол учун бутун жавобгарлик АҚШ зиммасига ва унинг Европа тупроғида Американинг янги ракеталари жойлаштирилишини қўллаб-қувватлаган НАТОдаги шериклари зиммасига тушади.

Биз сизларнинг мурожаатномангизда қитъамизнинг келажаги учун французларнинг хавотирлиги кучайганлиги изҳор этилганлигини тўла-тўкис тушунамиз. Бугунги кунда ядро уруши хавфини бартараф этиш совет кишиларининг ҳам асосий ташвиши эканлигини яширимайман. Аммо, биз вужудга келган вазият муқаррар деб ҳисобламаймиз. Совет раҳбарлари НАТО мамлакатлари, Американинг ўртача олисликка учирилади-ган ракеталари Европада жойлаштирила бошлангунга қадар мавжуд бўлган аҳволга қайтишга тайёр эканликларини намоён этганлари тақдирида СССР ҳам шундай қилишга тайёр бўлажагини жуда аниқ-равшан қилиб айтган эдилар. Табиийки, ўшанда Совет Иттифоқи ва бизнинг иттифоқчиларимиз ҳозир кўришга мажбур бўлаётган ҳамда Американинг янги ракеталари мамлакатларимизга бевосита яқин масофада жойлаштирилиши сабабли вужудга келаётган хавф-хатарга бас кела оладиган жавоб чораларига ҳам зарурат қолмаган бўлур эди.

Биз аввал бўлганидек, ҳозир ҳам ядро қуролларини Ғарбда, шунингдек Шарқда қисқартириш мақсадида музокаралар йўлига, бунинг учун мавжуд бўлган бирдан-бир реал асосда — тенглик ва баббаравар хавфсизлик асосида шу йўлга қайтиш учун биронта ҳам имконият бой берилмаслиги керак деб ҳисоблаймиз. Бунда Европа мамлакатларининг халқлари, жамоатчилик кенг доиралари тобора муҳим роль ўйнашлари керак.

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам кескинликни юмшатиш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик йўлини ўтказа беришига, қуролланиш пойгаси, аввало ядровий қуролланиш пойгаси тўхтатилишига куч-ғайратларини аямай эриша беражагига барча эркак ва аёл французларнинг қаттиқ ишонишларини истардим.

Европани ва бутун планетамизни ядро уруши хавф-хатарининг қора булутларидан халос этиш йўлидаги олижаноб фаолиятингизда сизларга муваффақиятлар тилайман.

Ю. АНДРОПОВ.
1984 йил 12 январь.

Тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб

12 январь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов Франциянинг урушга қарши «Юзлар даъвати» ҳаракатининг Ж. Сеги бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

В. В. Кузнецов КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Франциядаги урушга қарши «Юзлар даъвати» ҳаракатининг мактубига жавобини делегация аъзоларига топширди. Дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

Мактуб авторлари шуни таъкидлайдиларки, халқаро кескинликнинг кучайганлиги, Европада ядро қуролларини чеклашга доир музокаралар дуч келган қийинчиликлар ер юзида тинчликка ва инсоният ҳаётига таҳдид қилаётган ҳавф-хатарни оширмоқда.

Ўтган йил июнида «Юзлар даъвати»га жавобан тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган намойишга чиққан аёл ва эркак французлардан 500 минг киши, «Қуролсизланиш ва тинчлик учун кураш ҳаракати ҳафталиги» давомида намойишларда қатнашган юз минглаб кишилар, дейилади сўнгра мактубда, французлар халқининг гоят ташвишланаётганлигини, у тинчлик иши учун курашишга тобора кўпроқ азму қарор бераётганлигини изҳор этмоқдалар.

Шундай бир шароитда, деб таъкидланади ҳужжатда, биз сизга тантанали даъватнома билан мурожаат этишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Қуролланиш пойгасига чек қўйиш зарур. Музокараларга ҳалқаро бераётган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш ва уларнинг муваффақиятини таъминлаш зарур. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қурол-яроғлар мутаносиб равишда қисқартирилиши зарур. (ТАСС).

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Мамлакат қишлоқ хўжалиги ходимлари КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги Пленумлари қарорларини, Озиқ-овқат программаси топшириқларини амалга ошира бориб, 1983 йилда чорвачилик маҳсулотлари харид этиш давлат планини ошириб бажариб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар.

Тайёрлаш пунктлари ва қайта ишлаш корхоналарига 17,5 миллион тонна—планга нисбатан 101 процент мол ва парранда, 63,4 миллион тонна ёки планга нисбатан 106 процент сут, 48,2 миллиард дона ёки планга нисбатан 107 процент тухум, соф толага айлантириб ҳисоблаганда 238 минг тонна ёки планга нисбатан 103 процент жун келтирилди.

Сут, мол ва парранда харид қилиш 1982 йилга нисбатан 9 процент, тухум ва жун харид қилиш эса 4 процент кўпайди.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ва унинг маҳсулдорлигини кўпайтириш чораларини амалга ошириб бормоқда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

12 январда XVIII чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг VIII сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни область ижроия комитетининг раиси **Т. А. Алимов** очди.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область план комиссиясининг раиси **Ж. Р. Ризаев** Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги плани тўғрисида ҳамда областни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги планининг бажарилиши ҳақида доклад қилди.

Область молия бўлимининг мудири **Т. М. Маҳмудхўжаев** Тошкент областининг 1984 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида ҳамда областнинг 1982 йилги маҳаллий бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИБ, ТАННАРХНИ КАМАЙТИРАМИЗ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ НОМИДАГИ ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Олмалиқ химия заводи меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, 1983 йил планн ва социалистик мажбуриятларини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида олдинга сурилган муҳим вазифаларни ҳал қилиш кимёгарлар коллективи учун кенг ҳаракат программаси бўлиб қолади.

Корхона коллективи коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтириш ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасини ошириш, иш вақти йўқотилишининг барча турларини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми бўйича план муддатидан илгари — 1984 йилнинг 26 декабрида бажарилади ва пландагидан ташқари 2,0 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Пландагига қўшимча 30 минг тонна, шу жумладан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача 24,4 минг тонна минерал ўғитлари ишлаб чиқарилади. Иш вақтидан оқилона фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлигининг пландагидан ташқари 1 процент ортишига эришилади. Ишловчиларнинг ками билан 49 процентини меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси билан қамраб олинади.

Ҳар йили шартли 640 минг сўмлик маблағ тежаш имконини берадиган ками билан 95 та рационализаторлик таклифи жорий этилади. Янги техника ва илғор технологияни жорий этишдан 400 минг сўмлик фойда олинади.

Сарф қилиш нормасини камайтириш, тежамкорлик режимини кучайтириш ва иқтисод қилиш ҳисобига белгиланган топшириқдан ташқари 1,5 миллион киловатт-соат электр энергияси, 4470 гигакалорий иссиқлик энергияси, шартли минг тонна ёқилғи, 150 тонна олтингугурт ва 300 тонна аммиак тежаб қолинади. Маҳсулот таннархи қўшимча 0,5 процент камайтирилади.

448 нафар ишчи тайёрланади ва малакаси оширилади, 230 нафар ишчи иккинчи касбларга ўргатилади.

Ёрдамчи хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан ишлар давом эттирилади, ҳар бир ишловчи ҳисобига ками билан 25 килограммдан гўшт етиштирилади.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1984 йил — республика ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилей йили планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга бутун кучларини сарфлайдилар, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Биз областимиздаги барча меҳнат коллективларини саноат маҳсулоти таннархини қўшимча камайтиргани ҳолда меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари ошириш юзасидан бошланган ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Наманган область Чортоқ районидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашларининг сайловолди йиғилиши баланд руҳ билан ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Оқил Умурзоқович Салимовни** 590-Чортоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Фарғона механика заводи коллективининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Тимофей Николаевич Осетров** 612-Фарғона сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Қонимех районидаги «Маданият» совхозининг бош чўпони **Турон Киставбоев** 105-Навоий сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига шу хўжалик ишчи ва хизматчиларининг йиғилишида номзод этиб кўрсатилди.

Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг сайловолди йиғилишида СССР ташқи савдо министри **Николай Семенович Патоличев** 603-Тошкент — Чилонзор сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатилди.

Термиз дарё портининг меҳнатчилари Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали **Юрий Павлович Максимов** 597-Термиз сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзодимиз бўлсин, дедилар.

Самарқанд районидаги «Боғизағон» совхози коллективининг йиғилишида шу хўжаликнинг тракторчиси **Тоштемир Знёевни** 595-Самарқанд қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинди.

«Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи сайловолди йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Виктор Константинович Михайловни** 586-Қарши сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Хоразм область Шовот районидаги «Ленинград» колхози деҳқонлари ва чорвадорларининг йиғилиши шу хўжалик звено бошлиғи комсомол **Робия Эгамовна Раҳматовани** 126-Урганч сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович Мусахоновни** Тошкент область Коммунистик партиясининг «Политотдел» колхозида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишининг қатнашчилари 606-Калинин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК АКТИВЛИК

(Боши биринчи бетда).

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ленинград шаҳар сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида «Электросила» бирлашмаси каруселчи токарлар бригадири Ю. К. Сидоров бундай деди: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. В. Романов депутатликка номзод этиб кўрсатилди. КПССнинг таниқли арбоби Г. В. Романов ўзининг бутун куч, билим, тажриба, ғайратини партиянинг ленинча йўлини амалга оширишга бағишламоқда, деди нотиқ.

Григорий Васильевич Романовни Ленинград шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советига депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинди ва ундан шу сайлов округидан овозга қўйилиш учун розилик бериш илтимос қилинди.

Ипатово сайлов округи меҳнат коллективларининг вакиллари округ сайловолди кенгашида қатнашмоқ учун Ставрополь ўлкасининг Ипатово шаҳрига келдилар.

«Советское руно» давлат наслчилик қўйчилик заводининг директори Д. Ф. Пушкарний сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганини айтди. Коммунистик партиянинг таниқли арбоби М. С. Горбачев ўзининг бутун куч-ғайрати, билими, тажрибасини партия XXVI съезди қарорларини амалга оширишга, мамлакат агросаноат комплексини бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга бағишламоқда.

Кенгаш иштирокчилари йиғилишларнинг **Михаил Сергеевич Горбачевни** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш ҳақидаги қарорларини бир овоздан қўллаб-қувватладилар ва М. С. Горбачевга мурожаат қилиб, Ипатово сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилдилар.

Россошан сайлов округида бўлиб ўтган округ сайловолди кенгашида сўзга чиққан ССР Иттифоқи 60 йиллиги номидаги Россошан химия заводи нитроаммофоск ишлаб чиқариш биринчи цехининг бошлиғи Ю. И. Забоев бундай деди: — Коллективимиз партия билан давлатнинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротниковни Россошан сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. У ўзининг юксак партиявийлиги, принципиаллиги, ташкилотчилик қобилиятлари билан ажралиб туради.

Сайловолди кенгашининг қатнашчилари **Виталий Иванович Воротниковнинг** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганини қўллаб-қувватлаш ва ундан Россошан сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Сормово сайлов округидаги сайловолди кенгаши партия билан халқ бирлигининг ёрқин намойишига айланди. Горький шаҳридаги икки индустриал район — Москва ва Сормово районлари жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига ўртоқ Ю. В. Андроповни ва Серго Оржоникидзе номли Горький авиация заводи токарларининг бригадири В. А. Васильевни номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида йиғилишларда айтилган таклифларни қизғин қўллаб-қувватладилар.

— Биз Юрий Владимирович Андроповни партия ва давлатнинг атоқли раҳбари, коммунизм тантанаси учун, тинчлик иши учун, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун изчил курашчи эканини яхши биламиз, — деди кенгашда авиация заводининг ишчиси Г. И. Рибаков. Ҳозир мамлакатда меҳнат унумдорлигини ошириш планларини ортиғи билан бажариш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун бошланган ҳаракат каби кўпгина муҳим ташаббусларни унинг номи билан боғлиқ деб биламиз. Горькийда В. А. Васильев бригадаси бу даъватни биринчилар қатори маъқуллаб, уни бажаришга киришди.

Кенгаш қатнашчилари **Юрий Владимирович Андропов** билан **Виталий Александрович Васильевни** Сормово сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва М. С. Горбачевга мурожаат қилиб, Ипатово сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилдилар.

Шахтинск сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлиб ўтди.

«Майсакая» шахтаси парткомининг секретари О. Д. Коваленко кенгашда сўзга чиқиб, Шахтинск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев номзоди кўрсатилганини айтди.

Кенгаш қатнашчилари Шахтинск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига **Михаил Сергеевич Соломенцев** номзодини кўрсатиш тўғрисидаги қарорларни бир овоздан қўллаб-қувватладилар ва унга мурожаат этиб, шу сайлов округидан депутатликка овозга қўйилишга розилик беришни сўрадилар.

Тюмень сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида Тюмень шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. А. Шаповалов очди. Камвол-мовут комбинатининг, электр-механика заводининг, индустриал институтнинг коллективлари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг номзодини кўрсатдилар, деди у. Н. А. Тихонов давлат ва партия ишидаги ўзининг катта тажрибасини коммунистик қурилиш ишига, партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш йўлини амалга оширишга хизмат қилдирмоқда. Камвол-мовут комбинатининг тароқчиси Г. П. Яковлева ҳам депутатликка номзод деб тилга олинди.

Кенгаш **Николай Александрович Тихонов** билан **Галина Петровна Яковлевани** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни бир овоздан қўллаб-қувватлади ва уларга мурожаат қилиб, Тюмень сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришларини сўради.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Ярославль область Рибинск сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгашида сўзга чиққан 2-интернат мактабнинг директори, халқ ўқитувчиси Ю. С. Кашкин мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко кўрсатилганини айтди. Атоқли сиёсий раҳбар бўлган К. У. Черненко партия сиёсатини амалга ошириш, идеология ишини такомиллаштириш учун кўп иш қилмоқда. Меҳнат коллективи «Рибинск» моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигувчи слесари Б. Ф. Ивановни ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

Рибинск сайлов округидан **Константин Устинович Черненко** билан **Борис Федорович Ивановни** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш ва улардан шу сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул этилди.

Украина пойтахтида СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Ленин сайлов округи коллективлари вакилларининг сайловолди кенгашида В. И. Ленин номидаги «Арсенал» заводи фрезерчиларининг бригадири П. И. Иванов сўзга чиқиб, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий номзод қилиб кўрсатилганини айтди.

Кенгаш қатнашчилари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига **Владимир Васильевич Щербицкий** номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашга ва ундан Ленин сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилишга бир овоздан қарор қилдилар.

Сайловга тайёргарлик совет кишиларининг ижодий куч-ғайратини янада жўш урдириб юборди. СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Минск—Москва сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгашида шу ҳақда гапирилди.

«Луч» ишлаб чиқариш пойабзал бирлашмасининг бош директори Б. В. Позняк тинчликсевар ташқи сиёсатнинг актив ўтказувчиларидан бири, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганини маълум қилди.

Округ сайловолди кенгаши Минск-Москва сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига **Андрей Андреевич Громико** номзоди кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлашга ва ундан шу округдан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилишга қарор қилди.

(ТАСС).

* * *

600-Тошкент — Ленин сайлов округи меҳнат коллективлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари Ш. Р. Рашидов номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида ўтказилган кенгашга зўр кайфият билан келдилар. Зал безаган транспарантларга КПССнинг доно ташқи ва ички сиёсатини, халқлар дўстлигини, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокини шарафловчи шиорлар ёзилган.

Тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. Султонова минбарга чиқади.

— Мамлакатимиз экономика ва маданиятни ривожлантиришда, совет кишиларининг фаровонлигини оширишда эришган муваффақиятларни биз ҳақли равишда партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети фаолияти билан боғлаймиз, — деди у. — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов бутун кучи ва билимини, зўр ташкилотчилик истеъдодини коммунизм қурилишига, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга сарфлаётган партиямиз ва давлатимизнинг атоқли арбобидир. Унинг бутун ҳаёт йўли халққа астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Юрий Владимирович амалга ошираётган ғоят катта ишлар, унинг одамларга нисбатан меҳрибонлиги ва большевикларча чинакам камтарлиги уни партия билан халқнинг чуқур иззат-ҳурмати ва ишончига сазовор этди. Барча совет кишилари билан бирга Ўзбекистон пойтахтининг ишлаб чиқариш коллективлари ҳам ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумидаги нутқини ҳаракат учун қўлланма деб қабул қилдилар ва янги йилнинг биринчи кунлариданоқ юксак уюшқоқлик вазиятида партия топшириқларини амалга оширишга киришдилар. Корхонамиз меҳнаткашлари Юрий Владимирович Андроповни мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатдилар.

Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, деди сўнгра У. Султонова, илғор тўқувчи, Ўзбекистон комсомоли мукофотининг ва тўқувчи Виноградовалар мукофотининг лауреати Каромат Ҳакимовна Ёқуббоевани ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатдилар. Каромат Ҳакимовна ишга ҳалол, ижодий муносабатда бўлиш намунасини кўрсатиб, ўз коллективида биринчи бўлиб янги техникани мукаммал ўзлаштириб олди ва ишлаб чиқариш зонасини икки баравар кенгайтириб, ўн биринчи беш йиллик топширигини бажарди. У ўзининг бутун меҳнат фаолияти ва актив жамоат фаолияти билан СССР Олий Советида сайловчиларимизнинг муносиб вакили бўлишига ишонч ҳосил қилдирмоқда.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери Н. Ғуломова, граждан авиацияси 243-заводи касаба союз комитетининг раиси Ю. П. Вуколов, тўқимачилик ва енгил саноат институти комсомол комитетининг секретари Р. Туропов, «Отделстрой» трести пардозловчилар бригадири И. Ё. Смирнов ва кенгашнинг бошқа қатнашчилари кўрсатилган номзодларни қизғин қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Нотиқлар тошкентликларнинг КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумидаги нутқи текстида баён этилган кўрсатмаларини зарбдор меҳнат билан бажаришни таъминлашга астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари 600-Тошкент—Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига **Юрий Владимирович Андропов** ва **Каромат Ҳакимовна Ёқуббоева** номзод этиб кўрсатилишини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, уларга шу сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилиб мурожаат этдилар.

(ЎзТАГ).

* * *

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Олмаота—Ленин сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида С. М. Киров номидаги машинасозлик заводи тиш фрезерловчиси Р. С. Склярова сўзга чиқди. У СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев кўрсатилганини айтди.

Округ сайловолди кенгаши **Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаевни** Олмаота—Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни қўллаб-қувватлашга ва ундан шу округдан овозга қўйилишга розилик беришни сўрашга бир овоздан қарор қилди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тбилиси — Биринчи май сайлов округи меҳнаткашларининг намояндалари округ сайловолди кенгашига КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, ишчанлик кайфияти билан келдилар.

Улар мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига атоқли сиёсат ва давлат арбоби, тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Ю. В. Андропов ва Ленин номли Тбилиси электровозсозлик заводи электр монтажчилари комплекс бригадасининг бошлиғи Г. А. Метонидзе номзодларини кўрсатган меҳнат коллективлари йиғилишларининг қарорларини қизғин маъқуллардилар.

Сайловолди кенгаши **Юрий Владимирович Андропов** билан **Гурам Арчилович Метонидзени** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифларни якдиллик билан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга мурожаат этиб, Тбилиси — Биринчи май сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилди.

Боку — Ленин сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгашида «Бакинский рабочий» машинасозлик заводининг электр пайвандчиси М. Б. Абдул-Алиев сўзга чиқиб, бундай деди:

— Республика сурункасига 13 йилдан бери Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқмоқда. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетига 13 йилдан кўпроқ вақт бошчилик қилган ўртоқ Г. А. Алиев республиканинг муваффақиятларига катта ҳисса қўшди. Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби бўлган Г. А. Алиев одамларнинг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини ошириш учун, экономикада юксак марраларга эришиш учун кўп иш қилди.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Г. А. Алиев СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганини айтди.

Кенгаш қатнашчилари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб **Гейдар Алиевич Алиевни** кўрсатиш тўғрисидаги қарорларни бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Кенгаш номзодга мурожаат этиб, Боку—Ленин сайлов округидан депутатликка овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Кишинев—Октябрь сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгаши бўлди.

— Бизнинг коллективимиз, — деди «Молдавгидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари В. Г. Мунтяну, — КПСС билан Совет давлатининг атоқли арбоби ўртоқ Ю. В. Андроповни ўзининг биринчи номзоди деб атади. Унинг бутун ҳаёт йўли совет халқига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Комплекс бригада бошлиғи И. Н. Рошкани ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатилганлиги айтилди.

Кенгаш **Юрий Владимирович Андропов** билан **Иван Никитович Рошкани** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифларни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, улардан Кишинёв-Октябрь сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришларини сўрашга қарор қилди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Фрунзе сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтди. Госкомсельхозтехника Фрунзе экспериментал ремонт заводининг инженер-технологи Д. К. Турусбеков сўзга чиқиб, ўртоқ Ю. В. Андроповни ўзларининг биринчи номзоди деб атадилар. Мамлакатимизнинг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришдаги муваффақиятлари, социалистик давлатнинг халқаро обрў-эътибори кучайганлигини совет кишилари унинг номи билан боғламоқдалар.

Шу округнинг ўзидан камвол-мовут комбинатининг илғор йигирувчиси Т. М. Нурмамбетова ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

Кенгаш **Юрий Владимирович Андропов** билан **Турсунбибн Мамиткановна Нурмамбетовaннинг** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини якдиллик билан қўллаб-қувватлади ва уларга мурожаат этиб, Фрунзе сайлов округидан овозга қўйишга розилик беришни илтимос қилди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Таллин шаҳар сайлов округида бўлиб ўтган сайловолди кенгашида Клемантий номидаги Таллин тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Э. Веен-Салу сўзга чиқиб, СССР Олий Совети депутатлигига ўртоқ Ю. В. Андропов ва экскаватор заводи токарлар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Р. Лийв номзодлар қилиб кўрсатилганини айтди.

— Барча совет кишилари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг атоқли партия ва давлат арбоби эканини, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси эканини яхши биладилар, — деб таъкидлади нотиқ.

Юрий Владимирович Андропов билан **Валерий Рихардович Лийвни** Таллин шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатган коллективларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш ва улардан шу сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул этилди.

* * *

Округ сайловолди кенгашларида сайловчиларга мурожаатномалар қабул қилинди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФЛАРДА БЎЛИНГ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА ВЕТЕРАН ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Партиямиз ветеранлар тажрибасини ниҳоятда қадрлайди. Улар таржимаи ҳолида фақат ўтмишдаги воқеалар акс этибгина қолмай авлодларнинг узвийлиги ҳам ўз ифодасини топгандир. Ветеранлар босиб ўтган шарафли йўлга назар ташлаб, ўтмишдаги қаҳрамонона йилларни эслаймиз, келажакдаги ёрқин истиқболни кўриб турамиз.

Ўтган йилнинг август ойида КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлган учрашув ленинча анъананинг узвий давоми бўлди. Учрашувда ўртоқ Ю. В. Андропов ёрқин нутқ сўзлади. У КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь Пленуми қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда ветеранлар тажрибаси биз учун қўл келишини алоҳида таъкидлади.

Областимиз шонли ветеранлари сафида Ленин партиясининг ҳаётбахш ғояларини зўр кўтаринкилик билан тарғиб қилаётган, коммунистик жамият қурилишининг олдинги сафларида бораётган журналистлар оз эмас. Яқинда Тошкент область партия комитетида бир группа ветеран журналистлар билан маросимли учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев кириш сўзи билан очди.

— Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилига зўр кўтаринкилик билан қадам қўйди, — деди у. — Меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи текстида баён этилган қоида ва хулосалар асосида ишни ташкил этиб, дастлабки муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларида меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини ярим процент арзонлаштириш учун қизғин кураш кетяпти.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари асосида ахборот ва пропаганда воситалари ҳозирги кунда ишни қандай ташкил этяптилар, мавжуд резервлардан қандай фойдаланмоқдалар? Газета чиқишлари, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар таъсирчанлигини қандай қилиб ошириш мумкин? Шунга ўхшаш масалалар ветеран журналистлар учрашувида атрофлича таҳлил қилинди.

Сўз «Оҳангарон» газетаси редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Акром Аъзамовга берилади.

— Ижодий ҳодимлар билан партия ва совет раҳбарлари учрашувини ўтказиб туриш районимизда яхши анъанага айланган, — деди у. — Бундай учрашувлар давомида энг сўнгги маълумотлардан бохабар бўламиз, янги мавзуларга эътиборни қаратамиз. Редакциямизнинг ҳар бир ходими ижодкор бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив иштирок этмоқда. Тажрибали журналистлар ёшларни ўз оталиқларига олишган. Уларга ўз тажрибаларини қунт билан ўргатмоқдалар.

Нотиқ залда ташкил этилган кўргазмага барча ҳамкасблар эътиборини қаратди. Унда кўп нусхали, район, шаҳар газеталарининг дастлабки сонларидан фоторепродукциялар қўйилган эди. Областимизда матбуот музейи яратиш вақти келганлигини таъкидлади у. Кўпгина район газеталари редакторлари музейни ташкил этишда ўз ҳиссаларини қўшган бўлур эдилар.

«Ташкентская правда» газетаси редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Б. М. Шатуновский эълон қилинаётган танқидий мақолалар таъсирчанлигини оширишга ёрдам берувчи кўпгина қимматли таклифларни ўртага ташлади. Айрим ҳолларда жойлардаги раҳбар ўртоқлар газета танқидига эътиборсизлик билан қараётганликлари кишини афсуслантиради. Баъзи раҳбарлар эса танқидга хўжакўрсин учун жавоб юборишади. Ахир газетанинг мақсади мавжуд нуқсонларни тугатишда маҳаллий партия, совет раҳбарларига ёрдам бериш-ку. Буни баъзан жойларда тушунишмайди. Газетани алдашга уринишади. Шундай ҳолларда бир мавзуда иккинчи марта танқидий чиқиш қилиш керак. Газета билан бирга область телевидениеси, радио редакцияси ҳам рейдлар ўтказиб бориши лозим.

Суҳбатга Пискент район «Меҳнат байроғи» газетаси редактори, 1943 йилдан бери КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Мажид Самадов қўшилди.

— Яқинда район партия комитети ҳисоботимизни тинглади, — деди у. Партиявий ишдаги бу услуб редакция ходимлари ижодий активлигини оширишга, газета мундарижасини бойитишга, материаллар тематикасини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Биз кейинги пайтда ахлоқ ва одоб, оила, болалар тарбияси мавзуларида берилаётган материалларни анча кўпайтирдик. Бу мавзу кўпчиликка маъқул бўлаяпти.

Матбуотга партия раҳбарлигини яна ҳам кучайтириш юзасидан зарур чоралар кўриш керак. Шу мақсадда район, шаҳар партия комитетлари секретарлари, пропаганда ва агитация бўлими мудирлари, газета редакторлари иштирокида семинар ҳам ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Унда матбуотга партиявий раҳбарлик бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштириш лозим.

Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» газетаси редактори Т. Ҳакимов меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда журналистлар бажараётган ишлар тўғрисида гапирди. У ижодда ва жамоат ишларида актив қаламкашларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш зарурлигини уқтирди.

— Журналистларнинг актив иштироки билан областимиз колхоз ва совхозлари тарихи яратилаяпти — деди учрашувда колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти Тошкент область филиалининг илмий котиби Б. А. Каипов. — Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ветеранлари эсдаликларини даврга мослаб бадиий сайқал берган ҳолда ифодаламоқдалар. Бу ижодий ишлар коллективлаштириш даврини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам бераяпти.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг собиқ мухбири, СССР ёзувчилар ва журналистлар союзлари аъзоси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Босит Халилов матбуот сўзининг ростгўйлиги ва ҳаққонийлиги ҳақида гапирди. Танқидий мақолалар устида қаламкашлар алоҳида ишлашлари, тўғри ва аниқ фактларни тўплашлари керак. Шунда мақола кўзланган натижани беради. Нотиқ бу соҳада ўз ижодидан бир қатор мисоллар келтирди. Ветеран журналист тўплаган тажриба ёш ижодкорлар учун ҳаёт мактаби бўла олади.

— Мен кўп йиллар «Ташкентская правда» газетасида ишлаган эдим, — деди 1940 йилдан бери КПСС аъзоси С. Б. Бержанер. — Ҳозир пенсиядаман. Лекин газета билан алоқани узганим йўқ. Келиб ёшларга ўз тажрибамдан сўзлаб бераман, материаллар тайёрлашда иштирок этаман. Актив ижодкорларни тарбиялаш ҳар бир мураббийнинг шарафли бурчидир. Шу боисдан редакцияга янги ишга келаётган ходимларни ветеранларга бириктириб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шу фикрни СССР ёзувчилар ва журналистлар союзи аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси адабиёт ва санъат бўлими мудири Назармат Эгамназаров ҳам таъкидлади. У ёш ёзувчилар ва журналистларга оталиқ ёрдами кўрсатиш зарурлигини ҳам уқтирди. Газеталарда «Ёш ёзувчи минбари» деган рубрика очиш мақсадга мувофиқдир.

Суратда: областимизнинг бир группа ветеран журналистлари.

Учрашувга жамоатчи мухбирлар ҳам таклиф этилган эди. В. Холматов кўп йиллардан бери Чиноз район «Ленин байроғи» газетаси билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитетининг умумий таълим ва ҳунар-техника мактабларини ислоҳ қилиш бўйича лойиҳаси районда кенг муҳокама қилинмоқда. В. Холматов педагог бўлганлиги учун ҳам муҳокамани газета саҳифаларида актив ёритиб турипти. Учрашувда у сўзга чиқиб, ишчи-қишлоқ мухбирларини ўқитиш, маҳоратларини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлигини таъкидлади. Журналистика факультетларига ўқишга борувчи ёшлар энг аввало вақтли матбуотда ижоднинг дастлабки босқичидан ўтиши керак.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Фарида Усмонова ҳунар-техника билим юртлари ҳаётидан газеталарда кўпроқ материаллар бериб боришни таклиф қилди. Айни пайтда у ТошДУ журналистика факультетини тамомлаб келаётган йигит-қизларга оталиқ ёрдами кўрсатиш зарурлигини ҳам уқтирди. Область радио эшиттириш редакцияси бош редактори Х. Умаров журналистлар эътиборини КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари қарорлари асосида ёритилиши лозим бўлган мавзуларга қаратди.

Учрашувда Бўстонлиқ район «Коммунизм учун» газетаси редакторининг ўринбосари З. Масатов, Бўка район «Пахтакорлар овози» газетаси жамоатчи мухбири, педагог А. Умаров ҳам бир қатор фойдали таклифларни ўртага ташлади. «Ангренская правда» газетаси редакторининг ўринбосари А. А. Кузмицкий ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўз коллективида тўпланган тажрибалардан гапирди. У турли миллат кишилари ишлайдиган коллективларда ўзбек тилини ўрганишни йўлга қўйиш ҳақида таклиф билан чиқди.

Учрашувга область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев якун ясади. У суҳбат ниҳоятда ишчанлик ва ўртоқлик вазиятида ўтганлигини таъкидлади. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ижодий ишимизда катта ёрдам беришини, газеталар жанговарлигини, телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар таъсирчанлигини оширишга кўмаклашиши табиийдир.

Учрашув барча ветеран журналистларда катта таассурот қолдирди.

Ш. МИРАЛИМОВ.

Суратда: учрашув пайти.

В. Портнов фотолари.

МАКТАБ БИЛИМ, МЕҲНАТ, ҲАЁТ САБОҒИНИ БЕРСИН!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Коммунистик меҳнатнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Машҳур совет педагоги В. А. Сухомлинский айтганидек: «Меҳнатдан ташқарида ва меҳнатсиз тарбия йўқ ҳамда бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки меҳнатсиз, меҳнатнинг барча мураккаблиги ва барча қирраларисиз кишини тарбиялаб бўлмайди».

Дарҳақиқат, меҳр билан танланган касб ёшларга маънавий озуқа бахш этади. Улар барча хурсандчиликларнинг манбаи — меҳнат эканлигини қалбдан чуқур ҳис қилиб, ҳаётда ўз ўринларини эгаллай бошлайдилар. КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида меҳнат тарбияси, таълими ва касб танлашга алоҳида аҳамият берилишининг бойиси ҳам ана шунда. Лойиҳанинг тўртинчи бобида касб танлаш жараёнида ёшлар коммунистик бунёдкорлиқ ишига нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялаш руҳи тўлалигича ўз ифодасини топган. Мактабларда олиб бориладиган меҳнат тарбияси ва касб танлашни ўргатиш иши мураккаб жараён. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу социал вазифани амалга оширишда мактаб педагогик коллективлари таъсир ўтказувчи етакчи кучга айланиб қолди. Умумий таълим мактабларида ўқувчиларни меҳнатга муҳаббат ва меҳнат аҳлига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш борасида областимиздаги кўпгина педагогик коллективларда бой тажрибалар тўпланди. Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Калинин, Янгийўл районлари мактабларида талабаларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишнинг турли усул ва формаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозир область мактаблари ўқувчиларидан ҳар олти кишидан бири автомобиль ҳайдашни ўрганмоқда. 20 дан ортиқ билим ўчоғида қурувчи ва мелиораторлик касблари бўйича амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқувчи қизлар орасида тикувчилик, уй-рўзғор ишларини бажариш машғулотларига бўлган қизиқиш янада ортди. Шаҳарлик ўқувчилар учун саноат корхоналарида ўқув ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

Меҳнат таълимига оид бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар ёшлар ўртасида онгли равишда касб танлашда ҳамда ҳунарнинг дастлабки босқичларини пухта эгаллашда ижобий роль ўйнай бошлади. Меҳнатга ўргатиш ва тарбиялашнинг таркиб топган бу системаси ўқувчиларга мустаҳкам билим бериш билан бирга уларда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнатга, касб-ҳунарларга қизиқишни ҳамда ҳурмат туйғусини янада оширди.

Мактаблар, корхоналар, колхоз ва совхозлар билан яқин алоқада бўлгандагина меҳнат тарбияси таъсирчан ҳам самарали натижа беради. Аммо ҳали кўпчилик ўқувчилар бундай корхона ва хўжаликларга тўла жалб этилмаган. Қатор билим ўчоқлари, зарур асбоб-ускуналар, технологик машина-механизмлар, техника воситалари билан етарли таъминланмаган. **Ислоҳда ана шу сингари камчиликларни бартараф этиш ҳам асосий мақсад қилиб қўйилиши бежиз эмас. «Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва ташкил этишда»,— дейилади лойиҳанинг 22-бандида,— актив қатнашиш — ишлаб чиқариш коллективларининг жуда муҳим вазифасидир»...**

Лойиҳанинг шу бандидаги «...бевосита ишлаб чиқаришдаги иш жойларида мазкур регионнинг эҳтиёжларини эътиборга олиб, энг оммавий касблар бўйича меҳнат таълими ташкил этилади» деган жумлада ҳам чуқур маъно бор. Масаланинг шундай қўйилиши айни муддаодир. Агар бизнинг республикамизни олиб кўрадиган бўлсак, шу диёр экономикасига доир ўзига хос қатор хусусиятлар бор. Буни ўқувчи қизлар билан олиб бораётган тикувчилик, уй-рўзғор ишлари дарслари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Афсуски, бу хил машғулотларни ташкил этишда маълум қийинчиликлар мавжуд эди. Бунга республикамиз шароитига мос келадиган оригинал дарслик ва ўқув қўлланмаларининг йўқлиги ҳам сабаб эди. Эндиликда ўқувчилар бу адабиётларга эга бўлишларига ишончимиз комил.

Лойиҳанинг шу бандида база корхоналаридa ўқувчилар учун алоҳида иш жойларини вужудга келтириш қонун тартибида белгилаб қўйилиши айтилган. Бу яхши, жуда яхши! Худди шундай талаб мактаб шароити учун ҳам қонун қилиб қўйилса айни муддао бўлар эди. Масалан, тикувчилик, уй-рўзғор ишлари бўйича ташкил этилаётган машғулотлар кўп ҳолларда айнан бир устахонанинг ўзида олиб борилади. **Касблар бир-биридан тубдан фарқ қилади ҳамда ўзига хос шароитда иш кўришни талаб этади. Шунга кўра, бизнингча мактабларнинг ўзида ўқувчилар учун алоҳида иш жойларини вужудга келтириш зарурлиги ҳам ўз ифодасини топса кутилган мақсадга эришган бўламиз.**

Коммунистик меҳнат тарбияси ёшлар маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмидир. Бу олижаноб вазифани муваффақиятли амалга ошириш ўқувчиларни ёшликдан меҳнатга тайёрлаб бориш, уларда маънавий ахлоқий сифатларни қарор топтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳар бир касбнинг ўзига хос хусусиятини, машақкати, гашти, файз ва фароғати борлигини ёшлар онгига етказиш муҳим амалий-тарбиявий аҳамият касб этади. Меҳнат тарбияси, таълими ва касб танлашга ўргатишнинг бу кўпқиррали томонлари КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида ўз ифодасини топди. Шунинг учун ҳам педагогик коллективлар бу муҳим ҳужжатни фахрланиш ҳисси билан ўрганиб, тўла маъқулламоқдалар.

А. АЛИЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

МЕҲНАТГА ШАЙ БЎЛСИН

Кўп йиллар давомида педагог бўлиб ишладим. Ўз тажрибамдан хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, партиямиз Марказий Комитети умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб тўғри қилди. Сабаби ҳар бир инсонни меҳнат улуғлайди. Лекин 10-синфни битирган болани тамомила меҳнатга тайёр деб айта олмас эдик. Айрим мактаблардагина ҳунар билан боғлиқ касблар ўқитилса ҳам бошқаларида меҳнатнинг конкрет кўринишига доир предметлар билан шуғулланилмас эди. Яна бир томони ҳамма мактабларнинг 10-синфини битирганлар олий ўқув юртларига киравермайди-ку. Институтларга кириш имтиҳонини топшира олмаганлар озми? Қани энди уларнинг қўлида худди шундай пайтда гулдек ҳунари бўлса-ю, ўзини меҳнат қучоғига отиб, вақтинчалик ғам-ғуссадан ҳоли бўла қолса. Аммо йигит-қизлар ўқишга киролмагач, бир ишнинг бошини тутгунча ҳам анча вақт ўтиб кетади. Ҳали завод, ҳали фабрика, ҳали колхоз... токи кўнгилдаги иш топилгунгача ёш авлоднинг қалбида қанча-қанча изтироблар пайдо бўлмайди, дейсиз. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси ана шу изтиробларга ўрин қолдирмайди. Ёшлар мактабни ўзидаёқ кўзлаган аниқ касбини эгаллаб олиб, меҳнатга шай туради. Ҳаётда ўз ўрни борлигини, халқ хўжалиги ҳар бир йигит-қизга муҳтожлигини аниқ сезади. Шу жиҳатдан лойиҳани қўллаб-қувватлар эканман, айрим фикр ва мулоҳазаларимни ҳам айтмоқчиман. Бу ҳужжатда бошланғич синфга олти ёшдан бошлаб олиниши ҳақидаги фикр баён этилган. Бу жуда катта масъулият. Эндиликда боғчалар кичкинтойларни тарбиялашга янада жиддийроқ ёндошишлари керак. Боғча боласи жуда бўлмаганда 100 гача санашни, бирдан ўнгача бўлган сонни ёзишни, оддий расмларни чизишни билиши шарт. Ўз исм-фамилиясини ёза олиши лозим. Шу жиҳатдан олганда қишлоқ боғчаларида бундай имкониятлар борми? Ёки кенжатойларнинг эстетик дунёқарашини ўстириш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар амалга ошириладими? Бу саволга тўла равишда «ҳа» деб жавоб бериб бўлмайди. Сабаби ҳали қатор колхозларда, янги типдаги боғчалар йўқ, уларда ишлайдиган кадрлар ҳам бугунги давр талабига жавоб берадиган даражадаги малакага эга эмас. Бунинг устига ёз пайтларида ҳамда кўзда боғча тарбиячиларидан анчагинаси даладаги меҳнатга жалб этилади. Болаларнинг тарбияси мураккаблашиб қолади. Демак, лойиҳадаги тадбирларни амалга ошириш учун ана шу камчиликларни бартараф этишимиз керак. Сўзимни хулосалаб шуни айтмоқчиманки, **боғчаларда ишлайдиган малакали кадрларни кўпайтирайлик, мактаб ёшидаги болаларга мослаб уларга ортиқча қийинчилик туғдирмайдиган дарсликларни яратиш, машғулотлар программасини тузиш, болаларда ўқишга, меҳнатга ҳавас уйғотиш билан боғлиқ тадбирларни кўпайтириш асосий мақсадимиз бўлиши керак.**

Б. БОБОҲОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани.

● **«ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг Ольга Карпова етакчилигидаги фрезерчилар бригадаси коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунга 60 йил тўлиши муносабати билан 1984 йилда 10 мингдан зиёд «зангори кема»лар тайёрлашдек катта ишга муносиб ҳисса қўшади. Ана шу юксак мажбуриятни шараф билан адо этиш мақсадида коллектив смена топшириқларини 105—110 процентга етказиб адо этяпти.**

Суратда: бригада бошлиғи Ольга Карпова (ўнгда) ёш ишчи Санда Исаматова билан.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

ДЕПУТАТНИНГ ИШЛАРИ

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҒОФУРЖОННИНГ мактабдан келиб дадасига айтган гапи Собир акани ниҳоятда қувонтирди. У ҳозир телевизор орқали намойиш этилаётган концерт программасини томоша қилиб ўтирибди-ю, ҳаёлидан ўғлининг ўқитувчимиз «сен пахтакор фарзандисан, теримда ана шу номга яраша меҳнат қилиб, илғор бўлдинг», деб айтдилар деган сўзлари қулоқлари остида жаранглярди...

Ҳа, ўтган йилги шароит деҳқонлар олдига кутилмаган қийинчиликларни кўндаланг қўйди. Йиғим-теримда катталар қатори мактаб ўқувчилари ҳам актив иштирок этишди. Коммунистик районидаги Оржоникидзе номли 6-ўрта мактаб коллективи ҳам пахта теримида Колхозчиларга яқиндан ёрдам беришди. Ана шу мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Ғофуржон мавсумда уч тоннадан ортиқ пахтани хирмонга тўкди. Бугун мактабда ана шу ҳақда гап бўлган эди.

«Пахтакор фарзанди!..» Собир ака қулоқлари остида жаранглаётган ана шу сўзларда бир олам маъно бор эди. Шу топда уни ҳаёл ўтмишга етаклади.

...Эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш Собирга дастлаб аниқ бир йўлни белгилаб олиш мушкул бўлди. Шунда умрини деҳқончиликка бағишлаб келаётган, Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозига раҳбарлик қилган онаси Қотиш Аҳмедова фарзандига насиҳат қилди.

— Отанг фронтга кетмасдан олдин пахта етиштириш билан шуғулланарди, — деганди ўшанда у. — Афсус, у урушдан қайтмади. Энди сен унинг касбини ўрган, бир Қодиров изланишдан чарчамади. Ҳар бир машина ва механизмлардан қандай қилиб унумлироқ фойдаланиш, уларни авайлаб асраш, умрини узайтириш чораларини ахтарди. У 1975 йилдан бошлаб 17ХВ-1,8 маркали машинада ишлаб, унинг бункеридан ҳар мавсумда 200 тоннадан ошириб пахта тўкишга эришди. Мана уч йилдан буён эса Собир ака ХНП-1,8 маркали «зангори кема» штурвалини бошқараяпти. Шуниси қувончлики, бу машина уч йил мобайнида бирон жиддий нуқсон сабабли тўхтаб қолмади. Ўтган йилнинг оғир шароитида ҳам «пўлат от» суворийси хўжаликнинг энг илғор механизатори бўлди. Айни кунларда Собир Қодиров 1984 йил учун пухта ҳозирлик кўриб қўйган. У биринчи бўлиб ўзига бириктилган барча транспорт воситалари ва механизмларни тўлиқ созлашга эришди.

Яқинда трактор паркида колхоз партия ташкилотининг секретари Саидвали Турсунов Собир акага қизиқ гапни айтди.

— Ҳа, Собиржон «отни эгарлаб» қўйиб, энди баҳоргача қантариб қўйдингизми, — деди у старт чизиғига келтириб қўйилган МТЗ-80 маркали тракторга ишора қилиб. Ҳақиқатан ҳам тўрт йилдан буён ремонтсиз ишлаб келаётган бу тракторга барча механизмларнинг 10-синфини битирганлар олий ўқув юртларига киравермайди-ку. Институтларга кириш имтиҳонини топшира олмаганлар озми? Қани энди уларнинг қўлида худди шундай пайтда гулдек ҳунари бўлса-ю, ўзини меҳнат қучоғига отиб, вақтинчалик ғам-ғуссадан ҳоли бўла қолса. Аммо йигит-қизлар ўқишга киролмагач, бир ишнинг бошини тутгунча ҳам анча вақт ўтиб кетади. Ҳали завод, ҳали фабрика, ҳали колхоз... токи кўнгилдаги иш топилгунгача ёш авлоднинг қалбида қанча-қанча изтироблар пайдо бўлмайди, дейсиз. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси ана шу изтиробларга ўрин қолдирмайди. Ёшлар мактабни ўзидаёқ кўзлаган аниқ касбини эгаллаб олиб, меҳнатга шай туради. Ҳаётда ўз ўрни борлигини, халқ хўжалиги ҳар бир йигит-қизга муҳтожлигини аниқ сезади. Шу жиҳатдан лойиҳани қўллаб-қувватлар эканман, айрим фикр ва мулоҳазаларимни ҳам айтмоқчиман. Бу ҳужжатда бошланғич синфга олти ёшдан бошлаб олиниши ҳақидаги фикр баён этилган. Бу жуда катта масъулият. Эндиликда боғчалар кичкинтойларни тарбиялашга янада жиддийроқ ёндошишлари керак. Боғча боласи жуда бўлмаганда 100 гача санашни, бирдан ўнгача бўлган сонни ёзишни, оддий расмларни чизишни билиши шарт. Ўз исм-фамилиясини ёза олиши лозим. Шу жиҳатдан олганда қишлоқ боғчаларида бундай имкониятлар борми? Ёки кенжатойларнинг эстетик дунёқарашини ўстириш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар амалга ошириладими? Бу саволга тўла равишда «ҳа» деб жавоб бериб бўлмайди. Сабаби ҳали қатор колхозларда, янги типдаги боғчалар йўқ, уларда ишлайдиган кадрлар ҳам бугунги давр талабига жавоб берадиган даражадаги малакага эга эмас. Бунинг устига ёз пайтларида ҳамда кўзда боғча тарбиячиларидан анчагинаси даладаги меҳнатга жалб этилади. Болаларнинг тарбияси мураккаблашиб қолади. Демак, лойиҳадаги тадбирларни амалга ошириш учун ана шу камчиликларни бартараф этишимиз керак. Сўзимни хулосалаб шуни айтмоқчиманки, **боғчаларда ишлайдиган малакали кадрларни кўпайтирайлик, мактаб ёшидаги болаларга мослаб уларга ортиқча қийинчилик туғдирмайдиган дарсликларни яратиш, машғулотлар программасини тузиш, болаларда ўқишга, меҳнатга ҳавас уйғотиш билан боғлиқ тадбирларни кўпайтириш асосий мақсадимиз бўлиши керак.**

Б. БОБОҲОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани.

ХАЛҚ ДИЛИДАГИ АКТЁР

1919 йил. Тошкентда хотин-қизлар педагогика билим юрти ташкил этилиб, унда маҳаллий хотин-қизларнинг мутахассислар етиштириш кўзда тутилган эди. Ўша даврда бу билим юртида ўқийдиган қизлар фавқулодда жасоратли ва шижоткор сифатида қадрланардилар. Мазкур билим юртида Шоҳидахон ҳам ўқий бошлади. Эндигина 13 баҳорни қаршилаган деҳқон қизининг ўқиш ва бичиш-тикишдаги фаолияти тез орада бутун коллективнинг назарига тушди.

Ш. Маъзумова билим олиш билан чекланибгина қолмай жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Бу ерда ташкил этилган драма тўгарагида қатнашди. У спектаклларда кичик роллар ижро этиш билан бирга классик ва халқ қўшиқларини ҳам қиёмига етказиб куйларди.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаган Ш. Маъзумована билим юртида ишга олиб қолдилар. Ёш педагог бу ерда 1926—1928 йилларда тарбиявий ишлар билан шуғулланди ва саводсизликни тугатиш курсларида дарс берди, тўгаракка мунтазам қатнашди. Ўша йиллари Ҳамза номли драма театрига талантли йигит ва қизлар сувдек зарур эди. Театр раҳбарларининг назарига тушган ҳаваскор актриса шу йили ишга таклиф этилди...

Ўзига ниҳоятда талабчан ва изланувчан Ш. Маъзумова ўз устида қунт билан ишлади, ижрочилик сирларини ўзлаштириш учун кўп мутолаа қилди. Халқ ўгитига амал қилиб, билмаганларини тажрибали санъаткорлардан сўради. Улардан саҳнада қаҳрамон характерини яратишнинг кўз илғамас нозик сирларини билиб олиш учун ҳаракат қилди.

— Уткир ва таниқли санъаткор бўлиб етишишингизда қайси кишиларни устозим деб биласиз? — деган саволимизга Шоҳида опа шундай жавоб берди:

— Атоқли санъаткор Маннон Уйғур, Ўзбекистон халқ артистлари Етим Бобожонов ва Замира Ҳидоятоваларни устозим деб биламан. Чунки улар биргина санъатдагина эмас, шунингдек, шахсий ҳаётимда ҳам менга кўпдан-кўп сабоқ беришган. Ўйлаб кўринг ишингиз ёки ҳаётингиздаги айрим камчиликни чин кўнгилдан кўрсатибгина қолмай, уни тўғрилашга ҳам ёрдам бера оладиган мураббийдан миннатдор бўлмай бўладими, ахир?!.

30-йилларда «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасининг афишалари шаҳарнинг гавжум жойларида осиғлик турарди. Уларда «Шоҳида Маъзумова — Ширин ролини ижро этади», деб кўрсатилган. Ширин ролида саҳнага чиқиш ёш актриса ҳаётида орзунинг ҳақиқатга айланиши эди. Санъаткор ушбу образ талқинида гўзал Ширининг бутун борлиғи — вафодорлиги, меҳнатсеварлиги, одамийлиги, чин севги эгаси эканлиги каби фазилатларни таъсирчан қилиб яратди. Атоқли актёр, СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроевнинг таъбири билан айтганда: «Шоҳидахоним мана шу Ширин образи орқали элга танилди».

Ш. Маъзумованинг илк муваффақиятлари мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Шундан сўнг театр режиссёрлари спектакллардаги етакчи ролларни унга топширадиган бўлишди. Яқин ўн беш йил ичида талантли актриса 22 та спектаклда ўзига берилган ролларни маҳорат билан ижро этиб, катта шуҳрат қозонди, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Булар орасида «Маликаи Турандот» даги Турандот, Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» ва «Ревизор» комедияларидаги Агафья Тихоновна ва Анна Андреевна, В. Шекспирнинг «Гамлет» фожиасидаги Офелия, М. Горькийнинг «Егор Буличёв ва бошқалар»идаги Глафира, «Интервенция»даги Жанна, «Любовь Яровая»даги Дунька. Туйғунининг «Баҳодир»идаги Зулфизар, Яшининг «Номус ва муҳаббат», «Ёндирамиз» пьесаларидаги Ойжамол ва Улмас, Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»идаги Мильфорд ва Луиза, «Павел Греков»даги Грековнинг хотини, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сидаги Гулбаҳор, «Холисхон»даги Зебихон, Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» драмасидаги Санобар, Мольернинг «Тартюф»идаги Эльмира, Уйғунининг «Қалтис ҳазил»идаги Ойниса, М. Шайхзоданинг «Жалолиддин»идаги Султонбегим ана шулар жумласидандир.

Талантли актриса ўзи ўйнаган ҳар бир ролнинг туб моҳиятига тушунган ҳолда ёндошди. Шундан бўлса керак, у яратган ҳар образда кўтаринки ҳиссиёт ва ички бир дард барқ уриб туради. Шу боисдан ҳам унинг талқинидаги роллар ҳаётий ва замонавий, таъсирчан ва яшовчандир. Таниқли санъаткор бу ютуқлардан эсанкираб қолмади, ўз устида тинимсиз ишлади. У театр қошида ташкил этилган уч йиллик актёрлар тайёрлов курсида ўқиди.

САНЪАТКОРЛАР ДАВРАСИДА

Унинг актив жамоатчи, масъулиятли ҳис этувчи санъаткор ва заҳматкаш инсонлик фазилатлари ҳақида машҳур адиба Ойдин 1945 йилдаёқ шундай деган эди:

— Шоҳидахоним ёлғиз саҳнадагина эмас, жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У 1932 йилдан бери театр қошидаги бадиий бригадада иштирок қилиб, ҳарбий қисмларда, колхозларда концертлар бериб келди. Айниқса, Улуғ Ватан уруши даврида бу бригаданинг аҳамияти яна ҳам кучайди. Бригада ҳарбий қисмларда, госпиталларда, халқ қурилишларида, агитпунктларда концертлар берди... Бу хизматлари учун у бир неча марта Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Шу йили Шоҳида опанинг санъат йўлидаги фидойилиги ва заҳматкашлиги эътиборга олиниб, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. Актёрнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан ниҳоятда талабчанлиги, қолаверса изланувчанлиги, содда ва принципиаллигини ҳисобга олишиб Коммунистик партия сафига қабул қилишди. Бу муваффақиятлар Ш. Маъзумова ижодий камолотида бурилиш ясади: ўз устида жиддий ишлаш ва таъсирчан образлар яратиш учун тинимсиз изланишлари янада кучайиб, актёрлик маҳорати такомиллашди.

Истеъдодли актриса тинч қурилиш йилларида ижодий кучи барқ уриб, чарчаш нима эканлигини билмай меҳнат қилди. Саҳнада юзга яқин таъсирчан ва эсда қоларли образлар яратди. Айниқса, Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» драмасидаги Сурмахон, Шиллернинг «Қароқчилар»идаги Амалия, И. Султоннинг «Имон»идаги Ойша образлари Ш. Маъзумова талқинида Ҳамза номли театрда жуда кўп марталаб намойиш этилиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Шоҳидахоним Маъзумова ўзбек театр санъатига 20-йилларда жасорат билан кириб келган санъаткорлардан. У ўзининг 50 йилдан ортиқ умрини Ҳамза номли театр саҳнасида жозибали образлар яратишга бағишлади. У яратган ҳар бир образ томошабинни мафтун этади. Шу боисдан ҳам актриса ўзбек халқининг дилидаги санъаткорга айланиб колган, — дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти Асад Азимов.

— Таниқли актриса бўлиб етишишингизда турмуш ўртоғингиз — СССР халқ артисти Олим Хўжаевнинг ҳам ҳиссаси бўлганми?— деб сўраймиз. Опа саволимизга шундай жавоб қилади:

— Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Олимжон акангизнинг хизматлари ниҳоятда кўп. Образ яратиш устида машқ қилаётган онларимда у менга турмуш ўртоғим эмас, меҳрибон ва ғамхўр устозим сифатида ёрдам берарди. У нозик характерларни илғаб олиб, ҳаётга тадбиқ этишга ниҳоятда уста бўлганидан, менинг ишимдаги қичкина бир хатони ҳам тезлик билан кўрсатар, унинг моҳиятини тушунтирарди. Бу менинг ўша ролни тўлақонли чиқаришимга асос бўларди...

Шундай қилиб, Ш. Маъзумованинг актёрлик маҳорати юксалга борди. Бунинг эвазига 1950 йилда унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» деган юксак унвон берилди. Кейинчалик санъаткорни партия ва ҳукуматимиз «Ҳурмат Белгиси» ордени ва қатор медаллар билан тақдирлади.

Бу эътиборларга жавобан тиниб-тинчимас Шоҳида опа ўз устида яна ҳам жиддий ишлади. 1955 йилдан у А. Н. Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институти музикали театр факультетида актёрлик маҳорати курсидан дарс бера бошлади. Мана, 28 йилдирки, Ш. Маъзумова мазкур даргоҳда ёшларимизга санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг ўткир ва тажрибали педагог, принципиал коммунистга хос фазилатларини институт коллективи ниҳоятда қадрлайди. Опанинг кўлида республикамизга танилган қатор санъаткорлар таълим олишди. Улар орасида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Бахтиёр Ихтиёров, Ғуломжон Ёқубовлар ҳам бор.

Катта талант соҳиби, таниқли педагог Шоҳида Маъзумованинг жамоатчилик фаолияти ҳам ҳаммага ибратдир: у институт хотин-қизлар Совети ҳамда республика Театр жамияти институт бўлимининг бошлиғи, курс раҳбари сифатида ҳормай-толмай фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ артисти, моҳир мураббий Шоҳида Маъзумованинг туғилганига 75 йил, актёрлик ва ижтимоий-педагогик фаолиятига 55 йил тўлган айёмда унга сиҳат-саломатлик, янги ижодий уфқлар тилаймиз.

Розия УСМОНОВА,
А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлиқ санъати институтининг катта ўқитувчиси,
Ҳилола УЗОҚОВА,
институт студенти.

Суратда: Ш. Маъзумова Зеби ролида. (1956 йил). «Холисхон» спектаклида

МАҲСУЛДОРЛИКНИ ПАСАЙТИРМАЙ

БУКА районидаги Ҳамза номли колхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини кўтаринки руҳда бошладилар. Бу бежиз эмас. Хўжалик фермасида ҳозирги қиш кунларида ҳам мўл-кўл сут соғиб олинмоқда. Улар ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили план ва топшириқларини ҳам ошириб бажаришган эди.

— Колхозимизда чорвачилик рентабелли соҳага айланган,— дейди ферма мудири Ю. Юнусов.— Бу йилги мақсадимиз давлатга сут сотишни кўпайтириш, гўшт ва тухум етиштиришни эса 20 процентга ошириб, халқимиз дастурхонига сифатли чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришдир.

Хўжаликда чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилганлиги, мавжуд ем-хашакдан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли юқори натижаларга эришилмоқда.

Бундан ташқари фермада меҳнат қилаётганларга ҳам яхши шарт-шароит яратилган. Масалан, қиш кунларида чорвадорлар бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқдалар. Дид билан жиҳозланган дам олиш хонаси уларнинг ҳизматида.

Сут-товар фермасининг Қаршигул Турғунова, Анор Эдилбоева, Бахтигул Абдураззоқова, опа-сингил Завра ва Матлуба Жумақулова сингари соғувчилари кунлиқ ўсишда энг юқори натижаларга эришиб, барчага ибрат бўлишмоқда.

Ҳ. ПАРДАЕВ.

АХБОРОТ
ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАФТАДА ИККИ МАРТА

● ОҲАНГАРОН. Район партия комитетининг агитпоезди ҳафтада икки марта белгиланган график асосида узоқ отарларда меҳнат қилаётган чорвадорлар ҳузурида бўлмоқда. Бу сафар агитпоезд «Октябрь» совхозининг 3-бўлимига йўл олди. Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари ва район матлубот жамиятининг сотувчиларидан тоғликлар мамнун бўлишди. «Оҳангрбо» ашула ва рақс ансамблининг бадиий ҳаваскорларидан Тожиқул Жанаев, Баҳодир Тўйчиев, Саодат Усмоналиева, Роҳила Қуроловалар ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Қишнинг қийин палласида тоғ қўйнида 4200 бош қўй-қўзи боқаётган чорвадорлар номидан бўлим бошқарувчиси Эрали Мадалимов агитколлектив аъзоларига миннатдорчилик билдирди.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

3-БЎЛИМ ЭШИТАДИ

● ЧИНОЗ. «Чиноз» паслчилик совхоз-техникумининг 3-бўлимида юз номерли автомат телефон станцияси ишга туширилди. Энди чорвадорлар ўз уйлари билан, шунингдек, совхоз-техникум ва район маркази билан телефон орқали боғлана оладилар. Бу билан райондаги телефон точкалари сони 5 мингтага, абонентлар сони эса 3 мингтага етди.

У. АБДУМАЛИКОВА.

«ШОДЛИК» ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

● КАЛИНИН. Калинин посёлкасида қуриб битказилган янги маиший хизмат кўрсатиш уйига «Шодлик» деб ном берилди. Ҳозир бу ерда район аҳолисига етти турдаги маиший хизмат кўрсатилаётир. Сартарошлар, пойабзал ремонтчилари, суратчилар, чеварлар хизматидан кўпчилик мамнун. Янги бинони райондаги 11-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари барпо этдилар.

М. БОТИРОВ.

Китоблар оламида

«СУНГГИ БАРХАН»

Таниқли ёзувчи Саъдулла Кароматовнинг янги романи китобхонларга совға қилинди. Замондошларимиз ҳақидаги асар воқеалари шартли номланган Шаҳристонда ва Барахшон чўлларида содир бўлади. Роман қаҳрамонлари — чўлларга оби-ҳаёт элтаётган, янги ерлар очаётган, тарихимиз саҳифаларини изчил ўрганаётган, ҳар қадамда фидокорлик, жасорат, мардлик намуналарини кўрсатаётган кишилардир. Уларнинг орзу-ўйлари, эзгу ниятларга тўла ҳаёти китобхонни бефарқ қолдирмайди.

«САЙЛАНМА»

Ёзувчи Носир Фозиловнинг «Сайланма» асарлари иккинчи жилди босмадан чиқди. Бу асардан авторнинг «Адашганлар», «Қор ҳат» каби қиссалари ва 20 дан ортиқ ҳикояларини ўрин олган. Қисса ва ҳикояларни тили ширали, қаҳрамонлари ҳаётга теран кўз билан назар соладилар. Асарларда ўз қаҳрамонларининг ички кечинмаларини яхши билувчи ижодкор нигоҳи сезилиб туради.

«ҚАМАЛ»

Фашист газандалари Ленинградни 900 кун давомида қамал қилиб турдилар. Нева соҳилининг азамат меҳнаткашлари очлиққа, қаҳратон совуққа матонат билан бардош бердилар. Қамал кунларида ҳам шаҳар ишчилари фронт учун ишладилар. Ўша оғир кунларнинг батафсил баёноти талантли ёзувчи Александр Чаковскийнинг «Қамал» романида акс эттирилган.

Роман бешинчи китобининг иккинчи қисми Тоҳир Иброҳимов таржимасида кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

«ИЗЛАБ-ИЗЛАБ ТОПГАНИМ»

Адабиётшунос олим Бегали Қосимов ўз китобида инқилобий шеъриятнинг 1905—1917 йилларда тутган муҳим ўрни ҳақида муфассал гап юритади. Шу билан бирга автор ўзбек инқилобий шеърияти ва унинг манбаларини очиб беради.

Ушбу китоблар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиқди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ВУЛҚОНДАН ЭЛЕКТР

Вулқонлар ҳаракатга келиши билан мислсиз энергия ҳосил бўлади. Индонезияда вулқондан чиқувчи қайноқ буғ билан ишлайдиган геотермаль электр станция ишга тушди. Энергетика иншооти Жакартадан 200 километр олисда — Ғарбий ЯваДаги Камоянг тоғида жойлашган.

ЧУҚУРЛИКНИ АНИҚЛАГИЧ

Англияда қурилишда қувур ва кабеллар жойлашган чуқурлик ўлчамини аниқлайдиган электр асбоб ишлаб чиқарилди. Асбоб 4,25 метргача ер остида жойлашган қувур ва кабеллар ўрнини аниқлаб бера олади.

ГИДРОКОМБАЙН

Қалмоқ Автоном республикасининг Предозерск районида яшовчи В. Мачнев ва Г. Гладковлар янги конструкциядаги гидрокомбайн яратдилар. Мазкур машина уч ярим метргача бўлган чуқурликдаги қамишларни ўради. Гидрокомбайн соатига 30 тоннагача майдаланган масса ҳосил қилиши мумкин.

(«Смена» журналидан).

СПОРТ

● ХАЛҚАРО ТУРНИР

В. Гранаткин хотира совғини учун Ленинградда ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ГФР футболчиларининг ғалабаси билан тугади. Тўртинчи турда СССРнинг биринчи терма командаси СССРнинг иккинчи терма командаси билан учрашди. Асосий команда ўйинчилари ғолиб келган тақдирда мукофотга даъвогарлик қилишлари мумкин эди. Лекин улар ўринбосарларга 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар ва шундай қилиб ГФР футболчилари бир тур барвақт турнир ғолиби бўлдилар.

● ЧЕК ТАШЛАНДИ

Европа чемпионатининг финал турнири Францияда 12 июндан 27 июнга қадар ўтказилади. Парижда чек ташлаш йўли билан 8 команда икки группага бўлинди. Биринчи группага Франция, Дания, Бельгия ва Югославия командалари, иккинчи группага ГФР, Португалия, Руминия ва Испания футболчилари кирди. Группалардаги биринчи босқич ўйинларн давра системасида ўтказилади. Ярим финал ўйинларида биринчи группа ғолиби билан иккинчи группада иккинчи ўринни эгаллаган команда ва иккинчи группада ғолиб келган коллектив билан биринчи группада иккинчи ўринни эгаллаган команда учрашади. Ана шу бахсларда ғолиб келган икки томон 27 июнда Парижда финалда ўзаро ўйнайдилар. Учинчи ўрин учун учрашув ўтказилмайдиган бўлди.

● ФИНАЛ ЎЙИНЛАР МАРТ ОЙИДА

Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган Василий Смислов ва Гарри Каспаровлар ўртасидаги бахс 9 мартда Вильнюсда бошланади. Уч кун аввал Сочида аёллар ўртасида худди ана шундай ўйинга старт берилади. Бу ерда Лидия Семёнова билан Ирина Левитиналар дона сурадилар. Ғолиб келганлар шу йилнинг ўзида Мая Чибурданидзе ва Анатолий Карпов билан ўйнайдилар.

● КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

Ўқувчиларнинг қишки каникул кунларида бир қатор спорт турлари бўйича Бутуниттифоқ зонал мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкентлик фигурали учувчилар Ирина Шишова ва Алексей Сулаймоновлар, Тошкентнинг «Меҳнат» қизлар қўл тўпи командаси, «Ёш куч» ўсмирлар коллективи март ойида бўладиган финал беллашувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

БИЛДИРИШ

«Муштум» журнали қошидаги ёш ҳажвчилар ва рассомлар семинарининг навбатдаги машғулоти 1984 йил 13 январь соат 15 да ўтказилади. Семинар қатнашчилари ва барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

Адрес: Ленин проспекти, 41.

Телефонлар: 32-56-11, 32-56-96.

ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Истеъдодли композитор Тўлқин Қурбонов ўзининг жозибадор музика асарлари билан кўпчиликка яхши таниш. У яратган турли жанрдаги асарлар қатор оркестрлар концерт программасидан муносиб ўрин олган.

Санъаткор кейинги йилларда ҳам баракали ижод қилмоқда. Унинг халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзган «Юбилей» увертюраси ўзининг ёркин музика оҳанглари билан ажралиб туради. Камер оркестри ижросида янграйдиган «Сюита»си ҳам тингловчига завқ бахш этади. «Тўй тантанаси» деб номланган шўхчан асар эса оркестр учун мослаб ёзилган.

«Илҳом» ижодкор ёшлар клубида Т. Қурбонов билан бўлган учрашувда композиторнинг ана шу асарлари баралла янгради.

С. ОДИЛОВА.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

СОВЕТ-АНГОЛА-КУБА МАСЛАҲАТЛАШУВИ

11 январь куни Москвада Совет-Ангола-Куба маслаҳатлашуви бўлиб ўтди. Маслаҳатлашув вақтида ЖАРнинг Ангола Халқ Республикасига қарши агрессив ҳаракатлари сабабли Африка жанубидаги вазиятнинг айниқса кескинлашганлиги муносабати билан Анголадаги ва унинг атрофидаги аҳвол кўриб чиқилди.

Ўзаро фикрлашув саминий, дўстона вазиятда, тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Маслаҳатлашувда Ангола халқининг ўз революцион ғалабаларини ҳимоя қилишдаги кураши билан бирдамлик таъкидлаб ўтилди. Анголанинг мудофаа қудратини, мустақиллиги ва территориал бутунлигини мустаҳкамлаш ишида Ангола Халқ Республикасига ёрдам бериш хусусида аҳдлашувга ҳам эришилди.

(ТАСС).

● **РСР. Дунай-Қора денгиз каналини қуриш тугалланмоқда. Бу социалистик Руминиядаги энг йирик ёшлар қурилишидир. 64,2 километр узунликдаги янги каналда 5 минг тоннагача сув сиғимига эга бўлган кемалар суза олади. Канал қурилиши туфайли Руминиянинг Черноводи шаҳридан Констанцагача бўлган масофа 380 километрга қисқаради.**

Суратда: пионерлар Дунай ирмоғи Борча дарёси устида янги кўприк қурилиши тугалланиши муносабати билан қурувчиларни табриклямоқдалар.

Ажерпресс—ТАСС фотоси.

МУҚОБИЛ ПЛАНЛАР

ПРАГА. Чехословакия саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари 1984 йил учун муқобил планлар қабул қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш соҳасидаги бу кенг оммалашган ташаббуси давлат топшириқларини тўлдирмоқда. Масалан, «ЧКД — ярим ўтказгичлар» корхонасининг ходимлари қабул этган муқобил планда маҳсулот ишлаб чиқаришни 9,5 процент, фойда олишни 18,1 процент кўпайтириш кўзда тутилган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ УЧУН КЕМАЛАР

БЕРЛИН. Ростокдаги «Нептун-верфт» кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқига аталган навбатдаги лой иргитувчи денгиз кемаси қуриб битказилди. Бу кема Одесса портида ишлатилади. Акваториянинг чуқурлиги 24—25 метр бўлган жойда бу кема соатига 750 кубметр балчиқни кавлаб олиб ташлай олади.

Айни вақтда Висмардаги «Матиас-Тезен-верфт» кемасозлик корхонасида 10 минг тонна юк сиғадиган «Кристалл-2» типидаги рефрижератор сузиш базасида Совет байроғи кўтарилди. Ов кемаларидаги балиқ қабул этиб олинадиган кемаларнинг музлатиш камералари жами ҳажми 13 минг куб метрдан ошади. Совет Иттифоқи ГДР кемасозлик саноатининг доимий мижози бўлиб қолди. Бу соҳа мамлакат экономикасининг етакчи тармоқларидан бирига айланган.

Умуман ГДР кемасозлик корхоналарида Совет Иттифоқи учун узоқ муддатли битимлар асосида шу пайтгача ҳар хил типдаги 3.100 дан кўпроқ кема қуриб берилди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

УЛАН-БАТОР. МХРда соғлиқни сақлашнинг моддий базаси доимо мустаҳкамланмоқда, унинг малакали медицина кадрлари билан таъминланиши яхшиланмоқда. Бу йил республикада врачлар ва ўрта малакали медицина ходимлари ёнига яна минг киши қўшилади.

Монгол медикларига совет мутахассислари катта ёрдам бермоқдалар. Кўпгина касалхона ва поликлиникалар, лаборатория ва туғуруқхоналар «СССРда ясалган» маркали энг замонавий аппаратлар билан таъминланган.

ПЛАНЛАР БАРВАҚТ БАЖАРИЛАДИ

ПХЕНЬЯН. Анжу кўмир шахталари бирлашмасининг ишчилари республика меҳнаткашларига мурожаат этиб, КХДР халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи етти йиллик планининг ҳозирги тугалловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирдилар.

Шахтёрлар бу йил кўмир қазиб чиқаришни 90 процент кўпайтириш мажбуриятини олганлар.

(ТАСС, 11 январь).

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ «Турист»

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ ТУРИСТИК САМОЛЕТЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА ЧОРЛАЙДИ.

Каунас—Шауляйга — 13—26 февраль, 12—25 март, 23 апрель — 5 май.
Путёвка баҳоси—230 сўм.
Шауляй—Палангага — 23 февраль—6 март, 3—15 май.
Путёвка баҳоси — 230 сўм.
Клайпеда—Рокишкиса—26 март—8 апрель.
Путёвка баҳоси — 250 сўм.
Калининград—Паневежеса—20 февраль—3 март.
Путёвка баҳоси — 250 сўм.
Визу—Ленинградга — 10—20 февраль.
Путёвка баҳоси — 222 сўм.
Каунас—Лиепая—Москвага — 16—30 апрель.
Путёвка баҳоси — 345 сўм.
Вильнюс—Рига—Таллинга — 29 февраль—14 март.
Путёвка баҳоси — 280 сўм.
Железноводскка — 26 февраль—15 март.
Путёвка баҳоси — 195 сўм.
Есентукига — 15 февраль—5 март, 28 март—16 апрель.
Путёвка баҳоси—220 сўм.
Кисловодскка — 19 февраль — 9 март, 10—29 март. Путёвка баҳоси—225 сўм, 31 март—19 апрель. Путёвка баҳоси—245 сўм.
Адлерга — 12 апрель—2 май.
Путёвка баҳоси — 260 сўм.
Сочига — 13 март — 2 апрель, 17 март — 6 апрель, 7—27 апрель.
Путёвка баҳоси — 230 сўм.
Сочига («Дагомис» туристик комплексига) — 26 февраль—17 март.
Путёвка баҳоси — 330 сўм.
Гаргара — 13 февраль—3 март, 4—23 март, 24 март—12 апрель. Путёвка баҳоси — 225 сўм. 13 апрель — 22 май. Путёвка баҳоси — 260 сўм.
Плес—Ивановага — 29 май—14 июнь.
Путёвка баҳоси — 270 сўм.
Ясиня—Боржава—Мукачевага — 28 апрель—11 май.
Путёвка баҳоси — 270 сўм.
Киев—Москвага — 1—15 февраль.
Путёвка баҳоси — 300 сўм.

БОЛАЛИ ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАРШРУТЛАР:
Харьков—«Васишево» туристик базасига — 23 май—11 июнь.
Путёвка баҳоси — 270 сўм (катталар учун), 215 сўм (болалар учун).
«Покровка» қишлоғига (Иссиқкўлга) — 3—13 июнь.
Путёвка баҳоси — 170 сўм.
Чўлпонотага (Иссиқкўлга) — 1—10 июнь.
Путёвка баҳоси — 170 сўм.
Путёвка баҳосига самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, яшаш ва экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефон: 39-13-59.

1974 ЙИЛГА ҚАДАР ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МОТОЦИКЛЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

РСФСР Савдо министрлигининг «РОСПОСИЛТОРГ» Москва ихтисослаштирилган базасида 360—00 моделли «Ява—350» мотоциклига двигателлар 320 сўм баҳода

САВДОДА МАВЖУД

Агар сиз двигатель сотиб олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 113211, Москва шаҳри, Овчинниковая набережная, 8-уй.

Сиздан двигатель учун буюртма келгач, сизга база адресига пул ўтказиш учун махсус бланк жўнатилади, двигателни жўнатиш шартлари ва муддати маълум қилинади.

«Роспосилторг» Москва ихтисослаштирилган базаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983/84 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: электрпайвандчи, сувақчи-бўёқчи, бўёқчи, электр-монтажчи, ғишт терувчи-монтажчи, дурадгор, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь.

Ўқиш муддати 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақини 50 проценти билан таъминланадилар. 10-синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар, ҳарбий хизматни битириб келганларга 30 сўм миқдорида қўшимча пул тўланади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАРГА «ТАШПРОМСТРОЙ»ГА ИШГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт) шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобуснинг сўнгги бекати, 13-трамвайнинг 2-«Шимолий шарқ» бекати). Телефон 64-18-41.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

14 ЯНВАРЬ—4 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ КАТТА ТОМОШАЛАРИ

«МУЗ УСТИДА БАЙРАМ»

янги программаси

ПРОГРАММАДА ҚАТНАШАДИЛАР:

Жаҳон ва Европа биринчиликларининг беш карра кумуш медаль совриндори, Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги СССР спорт мастери

ЛЮДМИЛА СМИРНОВА

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг тўрт карра чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: И. ФИЛИППОВА, Л. ЛИТВИНЕНКО, А. ЯКОВЛЕВ, СССР Кубоги эгаси, СССР спорт мастери А. ПОГОДИН ва бошқалар.

Бош балетмейстер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, балетмейстерларнинг Бутуниттифоқ конкурси лауреати КОНСТАНТИН РАССАДИН.

ТОМОШАЛАР: 14, 17, 18, 19, 20, 24, 25, 26, 27, 31 январь, 1, 2, 3 февраль кунлари соат 19.30 да; 15, 21, 22, 28, 29 январь ва 4 февраль кунлари соат 15.00 ва 19.30 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Кассалар ҳар куни соат 14 дан 19.00 гача ишлайди.
Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:
Касса — 46-03-12, 46-70-31;
Администратор — 46-68-77, 46-07-53.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

1984 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИДА ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА

50 ЙИЛ ТЎЛАДИ

Боғ дирекцияси шу муносабат билан эски фотосуратлар, газета мақолалари, таклиф билетлари ва бошқа ҳужжатлар сақлаб қолган Тошкент шаҳрининг барча аҳолисига мурожаат қиладики, улар боғнинг тарихи, айниқса 1934 йилдан 1941 йилгача бўлган даврини ўтказилган тадбирлар, шунингдек Улуғ Ватан уруши ҳамда 1966 йилги зилзила пайтида боғнинг олиб борган иши тўғрисида ҳикоя қилиб берсалар, хайрли иш бўлур эди.

Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғнинг тарихи ва фаолиятига доир қизиқарли фактлар, боғга турли йилларда ташриф буюрган ажойиб кишилар, буюк артистлар, шоирлар, ёзувчилар, композиторлар, йирик ижодий музика коллективлари тўғрисида ҳикоя қилиб берадиган боғнинг собиқ ходимларига олдиндан миннатдорчилик изҳор этилади.

Визни қизиқтирган маълумотларни хабар қилиш учун ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Якуб Колас кўчаси, 21-уй. Телефон 33-40-16.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«ЭКЗОТИК ФАНТАЗИЯ»

АТТРАКЦИОНИ

ЎРГАТИЛГАН ГАМАДРИЛЛАР ГРУППАСИ
Ургатувчи — Тамара ШАТИРОВА.
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА.
Москва цирки масхарабозлари Виктор РОШЧИН, Олег ПЕТРОВ ва Борис АРТЕМЬЕВ доимо манежда.
Томошалар соат 19.30 минутда, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 минутда, якшанба кунлари эса соат 12, 15, 18.00 да бошланади.
Кассалар соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
44-35-91 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 10.40 — Концерт. 11.25 — «Саёҳатчилар клуби». 12.30 — Концерт. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Рус тили». 16.45 — Концерт. 17.35 — Мультфильм. 18.45 — Телеочерк. 19.45 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сайловлар олдидан». 19.45 — «Ҳамдўстлик». 20.20 — «Навқирон Россия». Телевизион бадиий фильм. 7-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20 — Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 13.30 — Инглиз тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — «Ёртўла болалари». 12.05 — «Совет ёзувчилари В. И. Ленин ҳақида». 13.10 — Ботаника. 14.00 — Вс. Вишневский. «Ҳаётбахш ўлим». 14.45 — «Учқундан аланга порлайди». 15.30 — Тасвирий санъат. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Байрам ҳақида хотиралар». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Сарёжа». Бадиий фильм. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Биология. 13.00 «Хайрли таваккал». Бадиий фильм. 14.20 ва 17.55—Янгиликлар. 18.05 — «Ёшлик». 19.05 — «Сайловдан—сайловгача». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.10 — Манзаралар фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Дунё воқеалари». 22.35 — «Янги йил базми». Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.35 — МТ-II. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — «Ўқитувчи экрани». 19.00 — Телефильмлар. 19.30 — «Яхши кайфият хизмати». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Кино оламида». 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/I да Ҳар тўкисда бир айб, 14/I да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/I да Мангулик.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА — 13—14 январда — «Садо» вокал-чолғу группасининг концерти (19.30).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—07020. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмаконаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1521.